

“Ички ишлар вазири кубоги” мусобақасининг Термиз тумани босқичи бўлиб ўтди



Бугун Термиз туманидаги З-сонли умумтаълим мактабида “Беш ташабbus олимпиадаси” доирасида спортнинг волейбол тури бўйича “Ички ишлар вазири кубоги” мусобақасининг туман босқичи бўлиб ўтди.

Юртимиздаги иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга имкониятлар яратиш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда жисмоний имкониятларидан келиб чиқиб миллий терма жамоаларига жалб этиш мақсадида ўтказилаётган мусобақада тумандаги 4 сектор ҳудудидаги маҳаллалардан сараланган жамоалар ғолиблик учун ўзаро кураш олиб боришли.

Қизғин ва муросасиз ўтган ўйин натижаларига кўра қиз болалар ўртасидаги мусобақада биринчи ўринни 2-сектор жамоаси, иккинчи ўринни 3-сектор ва учинчи ўринни 4-сектор жамоалари қўлга киритишли.

Ўғил болалар ўртасида ўтказилган мусобақада биринчи ўринни З сектор жамоаси, иккинчи ва учинчи ўринларни 4- ва 2-сектор жамоа вакиллари эгаллашиди.

Ғолиб жамоалар ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланишиди. Мусобақада биринчи ўринни қўлга киритган жамоалар вилоят босқичида иштирок этиш йўлланмасини эга бўлишиди.